



Константинополни фатх этиш учун олиб борилган жангларда, мужоҳидларнинг айримлари жиходга куч тўплаш учун тунлари ором олишар, айримлари эса кучларини кундузлари тутган рўзадан ва тунлари ўқишган таҳажжуд намозидан олишар эди. Чодирларнинг бирида рўзадор ва сахархез мужоҳидлардан бири чодирдаги шеригини тунда ўкиган намози билан безовта килди. Чунки у, чарчаган ва кўзи кокилмас эди. Шунинг учун дўстига дам олишни тавсия этди. Дўсти унинг тавсиясига лаббай деб, хузурини бузмаслик учун таҳажжуд ўқимай, ётогига узанди. Бирок, уйкусидан кўркиб кўлларини узатган ҳолатида уйгонди. Дўсти ҳам уйғониб кетда ва унинг бу ҳолатини кўриб, унинг солих инсонлардан бири эканини билгани учун нима бўлгани хакида сўради. Дўсти тушини бировларга ўлимидан кейингина айтиб бериш аҳдини олганидан сўнг айтиб берди: У тушида жаннатга кирган ва хурлар такдим килинган, унга кўлларини узатган, бирок хур: Уч кундан кейин бизнинг олдимизда ифтор киласиз!,— деган эди. Бу мужоҳид тонгни рўзадор бўлиб қаршилади. У ўзини душмanning ёйларига нишон

килар, Аллохнинг душманларини кийратар, лекин, ёйлар келсада унга тегмас эди. Шом вақти келди ва у оғзини очди. Кейинги кун ҳам биринчи кундагидек рўзадор ҳолатида қаҳрамонликлар кўрсатди. Учинчи кунига ўтар кечаси таҳажжудини ўқиб, тонгни рўзадорлик билан кутиб олди. Сўнгра, Аллохнинг душманларини кийратди ва ўзини уларнинг ёйларига нишон килди. Ёйлар келар, бироқ унга тегмас эди. Қуёшнинг ботишига оғз колганида ёй келиб, унинг кўксига тегди ва у йиқилди.

Дўсти уни узоқдан кузатар ва йиқилганини кўргач, уни душмандан қутқаришлари учун кўшинга қарата: Анави одамнинг олдига келинглари!,— деди ва дўстига яқинлашиб: Бугун қиладиган ифторинг муборак бўлсин!,— деди. Мартабасини дўстидан бошқа бирон кимса билмайдиган мужоҳид: Оғиз очманг!, деган маънода лабларини тишлаб, ўрталарида қилинган аҳдни эслатди. Мужоҳид жонини таслим қилгач дўсти кўшинга қарата: Мен сизларга бу одамнинг ҳикоясини айтиб берайми!,— деб хайқирди ва қиссани айтиб берди. Ўша кеча аскарлар ичидан айримлари таҳажжуд намозига турди ва тонгни рўзадор қаршилади. Уларнинг ҳар бири на исми ва на расми шу қунимизгача маълум бўлмаган ўша одам эришган мартабага эришишни орзу қилиб, ўзини ёйларга нишон килди ва Константинополь фатх этилди.

Константинополь мана шундай инсонлар сабабли фатх этилди. Уларнинг қимлиги, исмлари, Аллохнинг зафари ва Константинополнинг фатҳига лойиқ бўлган қайси халқдан эканини биласизми?! (Йўқ!!). Уни, фақат Аллох таоло Ўзи учун танлаб олди, ҳолос!